



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 12 февраль, № 30 (8925)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Кўп қиррали алоқаларни янада кенгайтириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни
Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари
Максим Орешкин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Максим Орешкин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифи ва бошқа олий даражадаги мулоқотлар давомида эришилган келишувларни тасдиқланган «Йўл харитаси»га мувофиқ амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш суръатини сақлаб қолиш, саноат кооперацияси ва электрон тижорат лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, сув ҳўжалиги, олий таълим ва муҳандис кадрлар тайёрлаш, сунъий интеллект, маданий алмашинув ва спорт соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича комплекс чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати сурати.

БОШ МАҚСАД — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ижтимоий-иқтисодий жабҳада амалга оширилаётган ишларнинг боришини ўрганиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлиб аҳоли вакиллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан мулоқотлар ўтказди. Айни чоғда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган Президент Фармон ва қарорларининг жойлардаги ижроси билан таниди.

Ўрганиш

Сенат Раиси дастлаб “Пешку лимончилик равнақи” фермер ҳўжалигида бўлди. Мулоқот жараёнида меҳнат қилаётган аёлларнинг турмуш тарзи билан қизиқди, ушбу тажрибани кенг оммалаштириш зарурлигини таъкидлади. Ҳўжалик ишчи-Шахло Ражабованинг билдиришича, бу ерда ишловчиларнинг уйда ҳам иссиқхоналар бўлиб, қўшим-

ча даромад манбаи вазифасини ўтаётти.

Тумандаги Ибн Сино номидаги маҳалла хонадонларининг аксариятида, жумладан, Музаффаровлар оиласида иссиқхона ҳўжалиги ташкил этилган. Ўн сотихли иссиқхонада помидор ва бўлғор қалампирни қўнчалари етиштириляпти. Улардан йилига 300 миллион сўм атрофида соф фойда кўрилади. Ўн нафар кишининг бандлиги таъминланган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қуйи палата Спикери Н. Исмоилов шу йил 7 февраль куни Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2025 йилги ислохотларимизнинг бош ҳужжати — “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “ашиш” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.

Дастуриламал ҳужжатнинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани унинг ҳар томонлама мукаммал бўлишини таъминлашга хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Дастурнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, унда белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижроси устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жойларда ушбу ҳужжатга оид масалаларни ҳал қилишда давлат ва маҳаллий органларга ҳар томонлама қўмак бериш мақсадга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлисида давлат дастурининг 2024 йил якунлари ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисо-

боти, шунингдек, юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Давлат дастури ижроси — муҳокамада

Мажлисида депутатлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил якунлари ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини муҳокама қилди.



ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ ТАЪЛИМ ФОРУМИ:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИНИ БИРГАЛИКДА ҚЎЯМИЗ

Миллий тараққиёт, жаҳон ичра тенг бўлиш ва дунёга чиқиш ҳеч қачон силлиқ кечмаган. Дунё ҳамжамиятидан ўрин олиш учун амалий ҳаракатлар, ақиллик, муштарак мақсадлар, юксак тафаккур, билим ва таълим зарур.

Нуқтаи назар

Аёнки, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон жадидларининг дастурида бир қатор вазифалар қўйилган бўлиб, уларнинг асосийларидан бири — халқ таълимида ислохотлар олиб бориш ҳамда маданият, фан ва техника каби ҳаётий муҳим соҳаларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан Туркистоннинг иқтисодиёти, саноати ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш эди.

Аҳамиятлиси, жадид мутафаккирларимиз дастуридаги вазифалар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда ва янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ўз аксини топди. Таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу борада кенг қўламли ишлар олиб бориляптир.

Хусусан, инсон капиталига сармоя киритиш, таълим-

ни ислох қилиш, билим даргоҳлари инфратузилмасини такомиллаштириш, ўқитувчилик касбининг мавқеини ва таълим сифатини ошириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли, эртанги кунимиз суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Бунинг йфодасини соҳада замонавий педагогик технологиялар, ривожланган давлатлар таърибаси кенг қўлланаётгани, таълим-тарбия жараёни инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа воситаларидан оқилона фойдаланилаётгани, халқаро миқёсда ҳам таълим ва таъриба алмашув жараёни изчил ривожланиб бораётгани каби истиқболли одимларда кўриш мумкин.

Чиндан-да, келажагимиз-

ни бугунги кунда илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки давлатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимизнинг олий таълим тизимини ислох қилишга оид қатор Фармон ва қарорларида халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш каби аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шулардан бири — академик уюшмалар, талабалар, ёш олимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг таъриба алмаиши ташаббусларини кенгайтириш мақсадида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш ҳам доимий кун тартибидadır. Зеро, Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегик мақсади ҳам дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига таълим-фан интеграциялашуви асосида кириб бориш, барқарор иқтисодиётга эришиш билан фуқароларнинг муноси ҳаёт кечиришига шарт-шароит яратишдир.



14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

ЖАҲОН АҲЛИ АРДОҒИДАГИ МЕРОС

Кейинги йилларда мамлакатимизда буюк аجدодларимизнинг илмий-маънавий меросини теран ўрганиш, уларнинг асарларини юртимиз ва хорижий давлатларда тарғиб қилиш, хусусан, бобуршунослик фанини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги барча эзгу ва хайрли ишлар давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ҳамда қўллаб-қувватлови билан амалга оширилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Зотан, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ота-боболаримиз хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром уларнинг руҳи олдида юзимизни ёруғ қилиши билан бирга, халқимизнинг миллий гурурини, маънавиятини янада юксалтиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур — жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакорор сиймолардан бири, буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда. Унинг ўз даврида улкан салтанат тузгани, бебаҳо асарлари билан тарих, география, адабиёт ва бошқа қатор фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшгани бутун дунёга маълум.

Аммо жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга бўлган бу сиймонинг туғилиб ўсган юрти, аждодлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар айрим илмий доираларда хали ҳам тингани йўқ.



КУН ТАРТИБИДА — ЕВРОПА БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни Халқаро маслаҳат
кенгаши экспертлари Альфред Гузенбауэр, Александр
Квасъневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар стратегиясини амалга оширишга экспертлик қўмагини кўрсатиш ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари ва институтлари билан кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодиёти

тармоқ ва соҳаларини модернизация қилишга технологиялар ва инвестицияларни жалб этиш борасида амалий ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» саммитига тайёргарлик доирасида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 18 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 24 январда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда микромолиялаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига нисбатан белгиланган айрим чекловлар, шу жумладан қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти чекланганлиги ушбу ташкилотлар томонидан кенг доирадаги истеъмолчиларга микромолиявий хизматлар кўрсатилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек етарли салоҳиятга эга бўлган микромолия ташкилотларининг тижорат банклари даражасига босқичма-босқич «ўсиши» учун имкониятлар мавжуд эмаслиги ушбу соҳа тартибига солувчи қонун ҳужжатларининг қайта кўриб чиқилишини талаб этмоқда.

Шу муносабат билан микромолия ташки-

лотлари ва тижорат банклари ўртасида уларни боғловчи «занжир»ни шакллантириш, шунингдек микромолия ташкилотлари учун қўшимча молиявий ресурсларни, шу жумладан депозитлар жалб этиш имкониятини яратиш мақсадида, мазкур Қонун билан банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатишга ваколатли бўлган микромолия банки институтини жорий этиш, шунингдек микромолия ташкилотларини микромолия банклари ва микромолия банклари тижорат банкларига ҳамда аксинча трансформация қилиш учун ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Ушбу Қонун ҳудудларда банк хизматларидан, шу жумладан микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўламлигини кенгайтиришга, шунингдек аҳоли кенг қатламларининг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 14 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 25 январда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек бўшаб қолган ўринларга сайланган фуқаролар йиғинлари раислари фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида фуқаролар йиғини раиси ваколатлари мuddати уч йилдан беш йилга ўзайтирилишини, бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғинлари раисларининг беш йил мuddатга сайланишини, шунингдек фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда;

2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 7, 964-модда) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «уч йил мuddатга» деган сўзлар «беш йил мuddатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги ЎРҚ-499-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда) қуйдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи қисмидаги** «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг» деган сўзлар «маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг матнидаги** «уч йилга» деган сўзлар «беш йилга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш мuddатлари сайлов бошланишидан камиде икки ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади. Бунда сайлов ваколатлари мuddати тугаган фуқаролар йиғини раиси лавозимига ўтказилади.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Микромолиялаштириш фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

^{(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).}

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154-І-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) **60-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи** ва **йигирма иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Банкинг молиявий операциялари бўйича фоизларни ҳисоблашга ва уларни банкининг даромадлари ва (ёки) харажатлари ҳисобварақларига киритишга доир талаблари;

кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришининг ўзига хос хусусиятларини»;

йигирма биринчи хатбоши йигирма учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ариза берувчи – муассис (муассислар) томонидан банк ташкил этиш бўйича унинг (уларнинг) манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда ифодалаш учун вакил қилинган шахс ёки ушбу Қонунга мувофиқ ўз фаолиятини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат этган банк ёхуд микромолия ташкилоти»;

иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилари тегинишча **учинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолия банки – ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган чекловларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширувчи банк. Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тўтилимаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга нисбатан белгиланган қондалари микромолия банкларига нисбатан ҳам таъбиқ этилади»;

саккизинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегинишча **тўққизинчи – ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **5-модда:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5-модда. Банкларнинг молиявий операциялари»;

биринчи қисмининг:

еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«жиомоний ёки юридик шахс билан тўзилган шартнома бўйича пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш»;

қуйидаги мазмундаги **йигирма иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматлари рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатиш»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

3) **7-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банклари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чекловлардан ташқари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади:

бир жисмоний шахсдан омонатга жалб қилинган пул маблағлари микдори банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш қаражатлари тўғрисидаги қўнунчиликда белгиланган кафолатланган омонат микдоридан ошмаслигини»;

бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг қўп микдори беш миллиард сўмдан ошмаслигини»;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши етмиш фоиздан кам бўлмаслигини»;

чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар очиш, чет эл фуқароларининг ва юридик шахсларининг мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш ҳамда мижозларнинг ташқи савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш таъкиланганлигини»;

қарз қимматли қўғозларига инвестициялар банкларнинг ликвидлигини бошқаришга доир талаблар доирасида фақат Марказий банк томонидан белгиланган юқори ликвидли қарз қимматли қўғозларига қилинишини»;

учинчи – саккизинчи қисмлари тегинишча **тўртинчи – тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталлидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиниди банкининг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиғи керак»;

еттинчи қисмидаги «тўртинчи ва бешинчи» деган сўзлар «бешинчи ва олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **11-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк» атамасидан ёки мазукур атама қўйиш асалган сўз бирикмаларидан фақат Банкларнинг давлат реестрига киритилган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғининг «U»- домен зонасида фойдаланилади»;

иккинчи қисми «банк» деган сўздан кейин «ёки «микромолия банки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **13-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкинг, бундан микромолия банки мустасно, устав капиталининг энг кам микдори»;

иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегинишча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банки устав капиталининг энг кам микдори эллик миллиард сўмни ташкил этиши керак»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегинишча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмининг учинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташкил этилаётган банкининг устав капиталига киритилган маблағлар банкда очилган жағмарга ҳисобварағига ўтказилади, бундан банкни қайта ташкил этиш ёки микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш ҳоллари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилаётган микромолия банкининг устав капиталини тўлдириш учун маблағлар микромолия ташкилотининг ҳисобварағига киритилади»;

олтинчи ва еттинчи қисмлари тегинишча **етинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш ёхуд микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилади»;

7) **16-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ўн ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади, бундан банкни микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш мустасно:

банк икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан ташкил этилганда таъсис шартномасини»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорини»;

бешинчи хатбошиси «муассислар» деган сўздан кейин «(акциядорлар)» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ҳал қилувчи эғаликка эга бўлган ҳар бир бевосита ва билвосита муассис (эғалик қилувчи), шу жумладан охирги бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни»;

еттинчи хатбошиси «муассислар» деган сўздан кейин «(эғалик қилувчилар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошиси «муассис» деган сўздан кейин «(акциядор)» деган сўз билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкининг устав капиталини шакллантириш (тўлдириш) учун киритиладиган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни»;

ўнинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Илгари баҳолашдан ўтган ва ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассислар, бевосита ёки билвосита эғалик қилувчилар, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорлар эндиликда ушбу модда талабларига мувофиқ бўлмагандан»;

8) **17-модданинг:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17-модда. Чет эллик муассисларга (акциядорларга) нисбатан улар томонидан банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталлида иштирок этиш чоғида қуйидагилар қўшимча талаблар»;

тўртинчи қисми «муассислари» деган сўздан кейин «(акциядорлари)» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси «чет эл банки бўлган муассиснинг» деган сўзлардан кейин «(акциядорнинг)» деган сўз билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк мазукур ҳолатларни банкининг устав капиталлидаги ушбу Қонун 22-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган микдордаги улушни олишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш чоғида ҳам инобатга олади»;

еттинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 16-моддасида ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар муассис (акциядор) бўлган банк рўйхатга олинган ерда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки бошқа консуликл муассасалари томонидан тасдиқланади, бундан ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг учинчи, бешинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўн биринчи – ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар мустасно»;

9) **19-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «муассисларнинг» деган сўз «бевосита ва билвосита муассисларнинг (эғалик қилувчиларнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **20-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «муассисларнинг рўйхати» деган сўзлар «муассисларнинг (акциядорларнинг) рўйхати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассисларнинг» деган сўзлардан кейин «бевосита ва билвосита эғалик қилувчиларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **24-модданинг саккизинчи қисми** «муассисларни» деган сўздан кейин «бевосита ва билвосита эғалик қилувчиларни, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **31-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банклар Марказий банкининг рухсатномаси билан қуйидаги ҳолларда чет элда шуъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, чет эл банкларининг капиталлида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин, бундан микромолия банклари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банкларига чет элда банклар, ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш, чет эл банкларининг капиталлида, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиш таъкилланади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегинишча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **38-модда:**

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банклар ва банк гуруҳлари учун пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади, бундан микромолия банклари мустасно»;

ўнинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн биринчи – ўн тўртинчи хатбошилари тегинишча **ўнинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўрттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банклари учун пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

капиталнинг монандлиги коэффицентларини;

бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг қўп микдориини;

ликвидлилик коэффицентларини;

микромолия банкининг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг қўп микдориини;

умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланганидан бошқа пруденциал нормативларини.

Микромолия банкининг устав капиталли микдори ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган банк устав капиталининг микдorigа мувофиқ бўлган ҳолларда, мазукур микромолия банки ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт. Бунда бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг қўп микдори ушбу Қонун 7-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбошисида белгиланган микдордан ошмаслиғи керак»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегинишча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

15) **63-модданинг учинчи қисмидаги** «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) қуйидаги мазмундаги **10¹-606** билан тўлдирилсин:

«10¹-606. Кредит ташкилотларининг фаолиятини ўзгартириш

75¹-модда. Кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Қуйидаги кредит ташкилотлари ўз фаолиятини ўзгартириши мумкин: микромолия ташкилоти – микромолия банки фаолиятига; микромолия банки – банк фаолиятига; банк – микромолия банки фаолиятига; микромолия банки – микромолия ташкилоти фаолиятига. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришининг ўзига хос хусусиятлари Марказий банк томонидан белгиланади.

75²-модда. Микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш

Микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш орқали микромолия банкни ташкил этиш ушбу Қонунда белгиланган банк фаолиятига рухсат бериш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Микромолия ташкилоти ўз фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш учун акциядорлик жамияти ташкили-ҳуқуқий шаклига эга бўлиши керак.

Микромолия банкнини ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи микромолия банкнини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш орқали микромолия банкнини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини;

ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг учинчи, бешинчи – ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

микромолия банкининг устав капиталлида чет эл банки иштирок этган тақдирда ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни.

Микромолия банкнини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун ариза берувчи микромолия банкнини ташкил этишга доир

дастлабки рухсатномани олганидан кейин олти ойдан кечиктирмай Марказий банкка ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида ва ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларнинг электрон шаклдаги қўчирма нусхаларини тақдим этади.

Марказий банк томонидан микромолия банкнини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазукур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида мазукур қарорни илова қилган ҳолда, Марказий банк микромолия ташкилоти фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилаётганлиги муносабати билан микромолия ташкилотини Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида давлат хизматлари марказига илтимоснома киритади.

Давлат хизматлари маркази микромолия банкнини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги қарор олинган кундан эътиборан икки иш куни ичида микромолия ташкилоти тўғрисидаги ёзувни Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқаради ва бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Марказий банкни хабардор қилади.

Марказий банк давлат хизматлари маркази томонидан микромолия ташкилоти тўғрисидаги ёзув Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқарилган кундан эътиборан үч иш куни ичида: микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотлари микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқаради;

микромолия банкнини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади; Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига микромолия ташкилоти фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилганлиги билан боғлиқ ўзгартиришларни киритади;

ариза берувчига лицензия беради.

Лицензия берилганлиги учун қонунда белгиланган микдорда давлат

божи ундирилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши етмиш фоиздан кам бўлган микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилган микромолия банки мазукур кредитларининг улушини ўз фаолиятини ўзгартирган кундан эътиборан икки йил ичида етмиш фоизга етказиши шарт.

75³-модда. Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш

Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш: микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир Марказий банкининг дастлабки рухсатномасини олиш;

берилган лицензияни қайта расмийлаштириш орқали амалга

оширилади.

Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи акциядор (акциядорлар) томонидан фаолиятни ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорини;

ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг бешинчи – ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

банк устав капиталлида чет эл банкни иштирок этган тақдирда ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ариза берувчи микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсатнома олингандан кейин олти ойдан кечиктирмай, Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

банкнинг уставни икки нусхада;

банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, усқуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини, банкнинг жойлашган ери ўзгарган ёки унинг биноси реконструкция қилинган тақдирда;

ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган

ҳужжатларнинг электрон шаклдаги нусхаларини.

Аризани қўриб чиқиш ва ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор этиш банкни ташкил қилишга доир дастлабки рухсатномани олиш, банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни қўриб чиқиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда ушбу Қонуннинг 19 ва 21-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари микромолия банки томонидан охирги олти ой давомида пруденциал нормативларга риоя этилмаганлиги микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсатномани беришни ёки берилган лицензияни қайта расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади.

Марказий банк томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш

тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банк Банкларнинг давлат реестрига микромолия банки фаолияти банк фаолиятига ўзгартирилганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувни киритади, шунингдек берилган лицензияни қайта расмийлаштиради.

75⁴-модда. Банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш

Банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш банкка берилган лицензияни қайта расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ариза берувчи акциядор (акциядорлар) томонидан банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорини;

микромолия банкнинг уставни икки нусхада;

акциядорлар рўйхатини;

микромолия банкнинг қузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ҳодимлари тўғрисидаги уларнинг ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни;

микромолия банки жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, усқуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини – банкнинг жойлашган ери ўз

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролар йиғини раиси сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади»;

4) **11-модда** чиқариб ташлансин;

5) **12-модданинг:**

биринчи қисми «шаҳарлар комиссиялари» деган сўзлардан кейин «(бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисмидаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг» деган сўзлар «маҳаллани қўлаб-қувватлаш кенгашларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) қуйдаги мазмундаги **12'-модда** билан тўлдирилсин:

«12'-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари жумласига қуйдагилар киради:

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини, шунингдек сайлов бюллетенларининг намуналари ва шаклларини тасдиқлаш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлашнинг ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов яқунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш»;

7) **13-модданинг:**

номи ва биринчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«13-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ўз ваколатлари доирасида»;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи – ўн биринчи хатбошилари тегишнча

еттинчи – ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «Республика комиссиясига» деган сўзлар «тегишнча фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **14-модданинг биринчи қисмидаги** «Фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови» деган сўзлар «Фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-модданинг еттинчи қисми** чиқариб ташлансин;

10) **28-модда** қуйдаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғинлари раислари беш йил муддатга сайланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун амалга киритилгунча қадар сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ўз ваколатларини улар сайланган уч йиллик муддат тугагунига қадар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 11 февраль № УРҚ—1027	

БОШ МАҚСАД – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

Т. Норбоева шу оила мисо-лида “Бир маҳалла — бир маҳ-сулот” тамойили асосида ишлашнинг аф-залликларига тўхталди. Давлатимиз раҳбарининг “Деҳқон ҳўжаликлари ташкил этишни қўлаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

“Мазали миллий ширинликлар” МЧЖ, касаначилик асосида ижроси таъминлан-ган лойиҳалар, “Пешку текстиль кўрқи” оилавий корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Тадбиркор Шавкат Бобомору-довнинг маълум қилишича, бу ерда тай-ёрланаётган 25 турдаги трикотаж маҳсу-лотларининг бир қисми экспортга чиқа-рилиди. Корхонада 30 нафар хотин-қиз меҳнат билан банд. Танишув давомида оилавий корхоналарнинг аёлларбоп иш ўринлари яратишдаги аҳамияти тушунти-рилиб, туман масъуллари, депутатлар ҳамда “маҳалла еттилиги”га зарур тав-сиялар берилди.

Халқ депутатлари Вобкент тумани Кен-гаши фаолияти билан танишиш чоғида Сенат Раиси иш намунали тарзда йўлга қўйилганини таъкидлади.

Вилоятнинг энг чекка ҳудудлари ҳисоб-ланган Олот ҳамда Жондор туманларида ҳам ўрганишлар давом этди. Хусусан, Олот туманидаги “Shox Gold Tekstil”, “Вихого Gold Star Moto” масъулияти чек-ланган жамятлари ҳамда “Олот Асака Текстиль” корхонаси фаолияти ўрганил-ди. Мато ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Олот Асака Текстиль”да 480 нафар кишининг бандлиги таъминлангани ўз эътирофини топди.

Сенат Раиси ўрганишлар мобайнида ислохотларни амалга ошириш жараё-нида депутатлар, тадбиркорлар ва ма-ҳаллий ҳокимлик вакиллари олдига тур-ган долзарб вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Сенат қўмиталарида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлисида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини қўчайтириш ҳамда судлар мустақиллигини таъминлашга оид қатор қонунлар муҳокама қилинди.

Дастлаб “Аҳолига суд муҳокамаларида ма-софадан иштирок этиш учун янада қўлай ша-роитлар яратилиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳу-жжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғриси-да”ги қонун кўриб чиқилди. Унда Фуқаролик, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд иш-ларини юритиш тўғрисидаги кодексларга аҳолининг суд муҳокамаларида масофадан иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини яратувчи ўзгартириш ва қўшимчалар кирити-ш назарда тутилмоқда.

“Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республи-каси Конституцияси қабул қилинганлиги му-носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судлар фаолият-тининг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлик-ларининг кафолатларини қўнайитиришга қаратил-ган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун амалдаги қонунларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш-га хизмат қилади.

Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Суд-лар тўғрисида”ги қонунда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбисиз-лигини исботлаш шарт эмаслиги ва исгал-ган вақтда сукут саклаш ҳуқуқидан фойдала-ниши мумкинлиги белгиланмоқда.

Ўзгартириш ва қўшимчаларга қўра кел-гусида агар шахсининг ўз айбини тан олгани унга қарши ағона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки ҳазога тортилиши мумкин эмас. Суд жараёнида қатнашаётган гувоҳ ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи жорий этилади. “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда

саклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунига қамоққа олинганларга нисба-тан қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида”-ги қонунга мувофиқ “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда саклаш тўғрисида”ги Қонун 27'-модда билан тўлдирилмоқда.

Ушбу модда қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишдан олдин унда қийноққа солиш ёки бошқа ҳолатлар натижасида олинган жароҳатлар, шикастла-нишлар ва яраларни аниқлаш мақсадида тер-гов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий қўрқданг ўтказилиши, бу жараёнда уни қўрқ-лаётган бир жинсдаги хибсхона ходими қат-нашиши каби бир қатор нормаларни ўзида акс эттирган.

Мажлисида қонун лойиҳаларини Олий Мак-лис Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратил-ган қонунлар ҳам муҳокамадан ўтказилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғри-сида” Қонуннинг 12-моддасига қонун лойи-ҳасини Қонунчилик палатасига киритишга тақ-дим этилиши лозим бўлган қўшимча ҳужжа-тлар рўйхати киритилмоқда.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи киритган қонун лойиҳасини қўйи палата томонидан иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар қачириб қилиш тўғрисида Қонунчилик палатасига так-лиф киритишга ҳақли экани белгиланмоқда.

Мажлиси яқунда кўриб чиқилган масала-лар бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ОИЛА ҲИМОЯДА

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъ-улилари, экспертлар, маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалала-ри комиссиялари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этган мажлисида “Оила ва хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш тизими та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳу-жжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар кир-итиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Ушбу қонун асосида Оила ва Уй-жой ко-декслари, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшим-чалар киритилмоқда. Жумладан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқи-лаётганда суд оилавий (маиший) ўзравонлик жиноятинида жабрланган шахсининг талабига қўра ярашиш учун муқлат тайинламаслиги белгиланяпти. Бу норманинг амалиётга жо-рий этилиши мунтазам таъйиқ ва зўравонлик

ҳолатлари бўлган низоли оилаларда оғир жи-ноятлар содир бўлишининг олдини олади.

Уй-жой кодексига қўшимча киритилиб, ту-раржойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқилаётганда суд тарафларининг ке-лишувига асосан мулкдорнинг ташаббусига қўра тураржойга мажбурий тартибда кирити-лаётган тарафини мулкдорга тегишли мутола-но-сиз шартитларга эга бўлган бошқа турар-жойга киритиш ёки ижарага олинган турар-жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклатиши мумкин-лиги назарда тутилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши хотин-қизлар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, уларнинг тураржой масалаларини қонуний ҳал этишга хизмат қилади.

Мажлиси яқунда кўрилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Унда Бош вазир ўринбо-сари — иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Кўчқоров маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва мақсадлар доирасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир ин-сонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шартитлар яратиш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсат-ни изчил давом эттириш йўналишида кенг қўламли ишлар амалга оширилган.

Дастурдаги устувор йўналишлар ва мақсадларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида зарур чоралар қилинган. 2024 йил яку-нида янги ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилдагига нисбатан 6,5 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, давлат дастурида бел-гиланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чи-қилишида Хукумат ва парламент яқин ҳамкорликда фаолият олиб борди. Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва Хукумат томонидан назорат-таҳлил тадбирлари доирасида кўтарилган ма-салаларни биргаликда ҳал этиш ама-лиётидан унумли фойдаланилган.

Ҳисобот даврида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шартитларни яратиш бораси-да белгиланган устувор йўналишлар доирасида муайян ишлар амалга оши-рилган. Жумладан, таълим тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида 76 фоиз болалар мактабгаъча таълим даргоҳларига қамраб олинган. 115 та нодавлат умумий ўрта таълим ташки-лоти ташкил этилган. Олий таълим му-ассасаларида 91 та талабалар турар-жойи барпо қилиш лойиҳаси рўёбга чиқарилган. Бундан ташқари, аҳолини тиббий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш мақсадида 40 ёшдан ошган 10 мил-лиондан ортик аҳоли ҳамда 8 млн. 162 минг нафар бола скрининг тек-ширувидан ўтказилди. Хотин-қизлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш мақсадида 197,7 минг нафар хо-тин-қизга 3,3 трлн. сўм кредит ажра-тилди, 548,8 минг нафарининг банд-лиги таъминланган.

Камбағаллик даражасини қисқарти-риш йўналишида “Online-mahalla” плат-формасида ҳудудлар кесимида камба-ғал аҳолининг баланси шакллантири-либ, уларга кўрсатилаётган ёрдамни онлайн мониторинг қилиш ва манзил-ли ишлаш имкониятини берадиган “Ин-дивидуал дастур” модули ишга туши-рилди. Ушбу модулда иқтимоий ҳимо-ва ва иқтисодий қўлаб-қувватлашга муҳтож 729 мингта оилани камбағал-ликдан чиқариш бўйича манзилли ин-дивидуал дастур ишлаб чиқилиб, тур-ли иқтимоий ёрдамлар кўрсатилган.

Мажлисида қайд этилганидек, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ҳамда зарур касбий малакага эга бўлмаган фуқароларнинг 221 минг нафардан эъди меҳнат бозори эқтиёжидан келиб

чиқиб 90 та касб йўналиши бўйича ўқитилган. Бу каби чора-тадбирлар на-тижасида республикада камбағаллик даражаси йил бошидагига нисбатан 1,3 пунктка камайиб, 9,4 фоизга туши-рилишга эришилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўна-лишидаги устувор мақсадлар доира-сида амалга оширилган ишлар нати-жасида янги ички маҳсулот 106,5 фо-изга, саноат — 106,8, қўрилиш — 108,8, хизматлар — 107,7, қишлоқ ҳўжалиги 3 фоизга ўсган. Жами қиймати 34,9 млрд. АҚШ доллари бўлган хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилдагига нисбатан 1,6 баробар ўсиш қайд этилган.

Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг устувор йўналишлари доирасида “яшил энер-гия” технологияларини жорий этиш ор-қали суғориш тармоқларидан сув ет-казиб беришда электр энергияси ис-теъмолини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисоботда келтирилганидек, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойда-ланиш қўрсаткичларини ошириш йўна-лишида Тошкент вилоятида 200 МВт, Нишон туманида 300 МВт ва Қоровул-бозор туманида 300 МВт қуёш фото-электр станциялари, Томди туманида 300 МВт шамол электр станцияси қуриб, фойдаланишга топширилган. Ҳудудларда умумий қуввати 962,07 МВт бўлган қичик қувватли қуёш панелла-ри ўрнатилди.

Шу билан бирга, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида рес-публика бўйича 225,9 млн. тул дарахт ва бута қўчаги экилган, яшил боғлар сони 444 тага етказилган. Ўрмонлар микёсини кенгайтириш мақсадида Оролбўйи минтақасида 220 минг гек-тар майдонда “яшил қоплама”ли химоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Мамлакатимизнинг халқро муноса-батлардаги ўрнини янада мустаҳкам-лаш, хорижий давлатлар билан алоқа-лар қўламини тобора кенгайтириш, жумладан, Марказий Осиё минтақаси-да амалий ҳамкорликини сифат жиҳат-дан янги босқичга олиб чиқишга усту-вор аҳамият қаратилди. Ўтган даврда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкило-тига тўлақонли аъзо бўлишини жадал-лаштириш, қонунчилик базасини халқ-ро савдо меъёрларига тўлиқ уйғун-лаштириш мақсадида 60 дан ортик меъё-рий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Давлат дастурида белгиланган мақ-сад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича парламент ва Хукумат ўртаси-да йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик кўзда тутилган топшириқларнинг иж-росида муҳим аҳамият касб этди.

Муҳокама давомида депутатлар дав-лат дастури ижросини таъминлашда иқтимоий соҳани ривожлантириш ма-салаларига устуворлик берилганлиги, фуқароларнинг иқтимоий ҳимоясини қўнайитиш ва камбағалликини қисқарти-риш давлат сиёсатининг мумин йўна-

лиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даро-мад манбаи, малакали тиббий ва таъ-лим хизматлари, муносиб яшаш ша-роитлари билан таъминлаш сифат жи-ҳатдан янги босқичга кўтарилганини юқори баҳолади. Айни чоғда давлат дастурида ижро муддати узайтирилган вазифаларнинг уддасидан чиқиш чо-раларини кўриш, бунда мутасадди ва-зирлик ва идораларнинг масъулияти-ни янада ошириш лозимлигини таъкид-лашди.

Мажлисида Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари мажлисларида сўзлаган нутқларида мамлакат олдида турган долзарб вазифаларни бажариш-да Хукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик қили-ши зарурлиги таъкидлангани, шундан келиб чиққан ҳолда янгича шаклда иш олиб борилаётгани ўз самарасини бе-раётгани алоҳида қайд этилди.

Давлат дастурининг 2024 йил якун-лари ижросига оид ҳисобот юзасидан сиёсий партиялар фракциялари муно-сабатларини билдирди.

Муҳокама якунида Вазирлар Маҳка-масининг ҳисоботи маъхулланиб, Хуку-матнинг тегишли фаолияти самарадор-лигини оширишга қаратилган таклиф-лар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

Концепция таклифлар асосида такомиллаштирилди

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар то-монидан ташаббус қилинган “Ўзбекис-тон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концеп-циясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Концепция лойиҳаси юзасидан қўйи палатанинг Халқро ишлар, мудфоа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Улуғбек Шерматов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, концепция лойиҳаси бўйича муҳокамаларда қўлгана юрдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз таклиф ва мулоҳаза-ларини билдирди. Жамоатчилик муҳо-камаси жараёнида аҳолидан 400 та-дан ортик изохлар, таклиф ва тавсия-лар келиб тушди.

Шунингдек, 3 февраль куни Қонун-чилик палатасида ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилиб, ташаб-бускор депутатлар томонидан журна-листларнинг лойиҳага оид саволлари-га жавоблар берилди. 6 февраль куни эса қўйи палатада юртимиздаги 16 та конфессия вакиллари билан концепция лойиҳасининг муҳокамасига бағишлан-ган учрашув бўлиб ўтди.

Унда барча конфессиялар вакилла-ри концепция лойиҳасини қўлаб-қув-ватлаб, унинг қабул қилиниши юрти-мизда динлар ва конфессияларро то-тувлики таъминлашга, тинчлик ва бар-қарорлиқни янада мустаҳкамлашга шартит яратишини қайд этди.

Лойиҳа юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, фуқаролик жамяти институтилари, жумладан, Парламент тадқиқотлари институти, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар томо-нидан ҳам фикр-мулоҳазалар билди-рилди.

Келиб тушган изох, таклиф ва тав-сиялар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ушбу таклифларнинг муҳокамаси ҳамда концепция лойиҳасини маромига ет-казишга бағишлаб ишчи гуруҳи ва масъ-ул қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Мажлисида концепция лойиҳаси кенг жамоатчилик таклиф-мулоҳазалари асосида янада такомиллаштирилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, Фуқа-ролар ҳамда Қонунчилик палатаси де-путатлари томонидан билдирилган так-лифлар асосида концепциянинг 10 дан ортик бандларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни-да лойиҳага турли конфессиялар ўрта-сида ўзаро мулоқотни ўрнатиш, кон-фессияларро тотувлик ва ҳамжиҳат-

ликини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон хал-қининг динларга оид маданияти ҳамда ислом цивилизациясининг ёрқин ютуқ-лари сифатида тан олинган буюк му-тафаккир ва олимларнинг диний-фал-сафий меросини, қўлёзма манбаларни ўрганиш бўйича илмий-амалий тадқи-қотларни қўлаб-қувватлаш, хотин-қиз-ларнинг таълим олиши учун кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни илм-фанга фаол жалб этиш орқали ижти-моий-иқ

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ
ТАЪЛИМ ФОРУМИ:ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ТАМАЛ ТОШИНИ
БИРГАЛИКДА ҚЎЯМИЗ

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг тақлифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташиф билан ушбу мамлакатда бўлгани таълим соҳаси учун ҳам истикбол эшикларини очди, десак, айни ҳақиқатдир. Ташиф давомида икки давлат ўртасидаги кенг кўламли шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма баёнот ва салмоқли битимлар тўплами қабул қилинди.

Малайзия — бугунги кунда нафақат Жануби-Шарқий Осиёда, балки бутун жаҳонда Ҳадаб тараққий этиб бораётган давлат, Ўзбекистоннинг вақт синолаиридан ўтган ишончли ҳамкори. 34 миллион нуфусга эга бу ўлка халқро майдонда иқтисодий тараққийоти ва илм-фан соҳасида эришаётган ютуқлари билан обрў-эътибор қозонмоқда. Айни чоғда у ўз минтақасида юқори технологияли саноят, электроника экспорти ва туризмга асосланган кучли иқтисодиётга эга мамлакатлардан биридир.

Пойтахт Куала-Лумпур улкан молиявий салоҳиятга эга ва Глобал молия марказлари индексида кўра дунёда 22-ўринни эгаллайди. Айни чоғда дунёдаги йирик исломий молия маркази ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ҳамда Малайзия алоқалари мустақкам дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, умумий дин

— энергетика, аэрокосмик технологиялар ва бошқа соҳаларда қўшма тадқиқотларни марказларини ташкил этиш;

— Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзиянинг “Heriot-Watt” университети ҳамкорлигида мамлакатимизда “R&D” марказини ташкил этиш;

— “Universiti Teknikal Malaysia Melaka” ҳамда Ўзбекистоннинг Тошкент ахборот технологиялари университети ва Бухоро муҳандислик технологиялари институти ҳамкорлигида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар алмашинуви ва ёзги мактаб дастурларини жорий этиш;

Малайзия фан, технологиялар ва инновация вазири Чанг Ли Кан билан бўлиб ўтган учрашув якунари буйича эса туризм, “яшил” иқтисодиёт, юқори технологиялар ҳамда олий муҳандислик соҳасида етуқ кадрларни тайёрлашда ҳамкорлик қилиш, жумладан, жорий йил август ойида “Universiti Teknikal Malaysia Melaka” университети Лидер аёллар саммитини ташкил этиш; водород энергетикаси, сунъий интеллект, биотехнология ва космик технологиялар каби икки мамлакат учун долзарб соҳаларда ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистоннинг “Ippno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида “MRANTI” агентлиги офисини очиш, бу орқали технологиялар трансферини амалга ошириш, мамлакатимиздаги



Таассуфки, баъзи олимлар ўзларининг юзак қарашлари билан жаҳон ва мамлакатимиз бобурушнослик тарихидаги ҳақиқатларни поймол қилаётгани ҳеч қайси мезонга тўғри келмайди. Мумтоз адабиётимизда “зоду буд” бирикмаси кўп учрайди. Унинг луғавий маъноси — туғилиб ўсган жой, демакдир. “Бобурнома”да Амир Темурнинг туғилиб ўсган жойи — зоду буди Кеш (Шахрисабз) экани ёзилди: “Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурига кўп саяй ва эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди”.

Халқимизда “она юртим”, “ота маконим” каби иборалар кўп ишлатилади. Бу иборалар “туғилиб ўсган шаҳар, жой” мазмунда англанади. Улуғ шоҳ ва шоир “ота вилоятим” деб Андижонни назарда тутди: “Ота вилоятим икки йилга яқинлашган эдики, қўлдан чиққан эди. Тангри инояти билан... 904 (1499) йили яна менга муяссар бўлиб эгалланди”.

Алаҳхусус, Мирзо Бобур ижоди юзасидан тўрт фундаментал тадқиқот яратган япон олими Эйжи Мано “Бобурнома” илмий танқидий матни сўзбошида “Бобур Фарғона давлатининг пойтахти Андижонда тутилган”, деб ёзди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат “Бобурнома”да, балки девонида ҳам ўзини андижонлик яъни “...ғарибинг...андижонийдур”, деб таъкидлайди:

Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум айлагилким,
андижонийдур.

Бобур ўз ғазалида “андижонлик ғариб” деб аташи андижоний (андижонлик) Бобурнинг ўзи туғилиб ўсган шаҳри айрилигидан фарёди эмасми? Бундай изхортуз мисраларни ёшун учун киши, албатта, Андижонда туғилмоғи, Ватан соғинчиси Бобурдек тўймоғи лозим.

Бобурушносликдаги катта илмий ютуқларимизда бири — “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуридан. Библиография” библиография китобининг “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қаерда таваллуд тоғгани ва келиб чиқиши ҳақидаги маълумот

Бунёдкорлик

«ИСТИҚЛОЛ» БОҒИ СЕВИМЛИ
МАСКАНГА АЙЛанаДИ

Жиззах шаҳридаги “Истиклол” истироҳат боғи сўнгги йилларда қаровсизлиги туфайли кўримсиз ҳолга келиб қолганди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар режасига мувофиқ, ушбу боғ эндиликда замонавий қиёфага келтирилади.



Жиззах вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ин-

жиниринг компанияси ДУК буюртмаси асосида “Мукамал қурилиш савдо” МЧЖ қурувчилари томонидан “Истиклол” истироҳат боғида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа қиймати 8 миллиард 513 миллион сўмни ташкил этади.

— Истироҳат боғи ёнидан оқиб ўтувчи Сангзор дарёсидан сунъий ҳавза барпо қилинади, — дейди ДУК етакчи мутахассиси Нодирбек Абдуазимов. — Ташаббус-

кор тадбиркорлик субъектларининг қатор лойиҳалари учун боғ ҳудудидан ер ажратиб берилади. Истироҳат боғида инфратузилма билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Унинг ҳудудида янги 60 та ўриндик, 10 та олти қиррали суҳбат қурайдиган айвонча, 60 та чикинди қутиси, ташки ёритиш ускуналари ўрнатилади.

Бунёдкорлик ишлари самарасида замонавий кўринишга келтириляётган, аҳоли учун қулай шароитлар яратиляётган “Истиклол” истироҳат боғи шу йил баҳорги мавсумдан эътиборан яна жижзахликларнинг гавжум, севимли дам оладиган масканига айланади.

Рустам НУРМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАРИХИЙ МАЖМУА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги “Дари-занжир” тарихий ёдгорлиги сўнгги йилларда харобага айланиб, йўқолиб кетиш арасида эди. Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган мазкур мажмуаниннг умумий майдони 70,13 квадрат метр бўлиб, ўтган йили тўлиқ муҳофазага олинган ва ҳозирги пайтда реставрация ишлари олиб борилмоқда.



Вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зиёдулла Насимовнинг таъкидлашича, 2024 йили Самарқандда 20 та маданий мерос объектида таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланган. Шундан бешта иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилган. “Дари-занжир” ёдгорлигининг устини ёпиш ва ташқи қисмини реставрациясига 415 миллион сўм сарфланган. Айни пайтда ушбу объектнинг ички қисмида реставрация ва консервация ишлари давом этмоқда.

— Маҳалламиз “Туризм маҳалласи” маконини олган, — дейди “Дари-занжир” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хомид Хўжаев. — 30 га яқин меҳмонхоналар ва учта маданий мерос объекти бор. “Дари-занжир” ёдгорлик мажмуаси қайта тикланиши билан ҳудудда сайёҳлар келадиған маскан яна биттага кўпайди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

«ҲАР БИР САЙЁҲНИНГ
ОРЗУСИДАГИ
ГЎЗАЛ ҚЎНАЛҒА»

Хива шаҳри яқинидаги Фовук кўли бўйида барпо этилган “Арда Хива” халқаро туризм мажмуасида яна бир меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Туризм

Мазкур маскан 276 ўринга мўлжалланган ва 100 та хонадан иборат бўлиб, халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Унинг таркибидан 180 ўринли ресторан ҳам фаолият кўрсатади. Ушбу лойиҳа учун 110 миллиард сўм микдоридан сармоа киритилиб, 200 та иш ўрни яратилди.

— Ўзбекистонда 2018 йилдан буён туризм соҳасида ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз, — дейди туркиялик тадбиркор Уғур Жўшқин. — Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида меҳмонхоналар қурилишида қатнашдик. Хивада барпо этилган меҳмонхона ҳам ўзига хос миллий дизайн ва қулайликлари билан ажралиб туради. Сайёҳлар

оқими йилдан-йилга ортиб бораётгани ушбу шаҳарда меҳмонхона ҳўжалиги энг даромадли бизнесга айланишидан дарак беради.

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, — дейди россиялик сайёҳ Людмила Люско. — Бу мўъжизакор ўлкага бундан 30 йил муқаддам саяҳат қилган эдим. Ўтган давр мубайнида юз берган ўзгаришларни кўриб хайратга тушдим. Хивада янги очилган меҳмонхонаниннг илк меҳмони сифатида жуда мамнунман. Очиги, ҳар бир сайёҳнинг орзусидаги гўзал қўналға бўлибди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Арда Хива” халқаро туризм мажмуасида шу меҳмонхонадан ташқари яна 800 ўринли 4 та меҳмонхона ва 13 та меҳмон уйи барпо этилган.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).



ва ўхшаш маданий қадриятларга таянади. Ўзаро шериклиқнинг имкониятлари катта.

Масалан, Малайзия ҳукумати халқаро муносабатлар мустақиллик, суверенитет, ҳудудий яхлитлиқни ҳурмат қилиш, низоларни тинч йўл билан ечиш мустақкам ҳамкорлик ҳисобида қурилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу қарашлари прагматик ва очик ташқи сиёсат юритаётган Ўзбекистоннинг позициясига мос келади. Ривожланиш ва модернизацияга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” ва “Малайзия Мадани” стратегик дастурларининг мақсад ва вазифалари ўхшаш.

Малайзия ва Ўзбекистон савдо, инвестиция ва технологик алмашинув орқали иқтисодий жиҳатдан янада мустақкамланмоқда. Туризм, маданий ва таълим соҳасида ҳам яқинлик кузатилади. Малайзияда ўзбекистонлик талабалар тахсил олаётгани, илмий тадқиқотлар борасида қўшма лойиҳалар амалга ошириляётгани бу соҳадаги ҳамкорликни янада мустақкамлайди.

Айниқса, олий даражадаги ташиф арасида 4 февраль кунин “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда олий таълим соҳасидаги имкониятлар ва ташаббуслар” мавзусида Ўзбекистон — Малайзия биринчи таълим форуми ўтказилгани эътиборга моликдир. Унда ҳар икки мамлакатдан 25 тадан олийгоҳлар ректорлари иштирок этди.

Умуман, мазкур анжуман олий таълимда тахриббалар айланиши ва келгуси стратегик мақсадлар юзасидан келишувларни амалга ошириш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Форумдаги муҳокамаларда муҳандис кадрлар тайёрлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, “яшил” иқтисодиёт ва туризм, рақамлаштириш ва сунъий интеллект, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу форум якуни буйича инвестициявий ҳамкорликни амалга ошириш, дуал таълим тажрибалари, талабалар алмашинуви дастурларини йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишлари ва илмий тадқиқот ишларида ҳамкорлигини кучайтириш каби қатор академик масалалар юзасидан 55 та шартнома имзоланди. Бунинг натижаси ўларок, ҳозирги кунда фақат Тошкент ва Ўрган шаҳарларида Малайзиянинг Бинари университети фаолият юритиб келаятган бўлса, эндиликда юртимизда дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари рўйхатидан ўрин олган Малайзия университети сони ўсиши ҳам кутилади.

Анжуман доирасида Малайзия олий таълим вазири Замбри Абдул Кабир, “UCSI” университети ҳамда Малай университети раҳбарлари билан учрашувлар якунида бир қатор келишувларга эришилди, жумладан:

— Ўзбекистон ва Малайя университети ўртасида қўшма тадқиқот лойиҳаларини ривожлантириш учун қўшма молиялаштириш грантлар тизимини жорий этиш;

Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси олий таълим,
фан ва инновациялар вазири.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6

Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетаниннг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетаниннг полиграфия жиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши